



“Тасдиқлайман”

ЖИЗЗАХ ХЭТК АЖ

Б.Х. ИБРАГИМОВ

2022 йил

1 (БИР) ДОНА ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯНИНГ БОЗОР БАҲОСИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МУСТАҚИЛ БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗУВЧИ БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТИНИ ТАНЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ЖИЗЗАХ ш – 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги “Энергетика вазирлиги ҳузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ВМҚ-126-сонли Қарорининг 8-бандига мувофиқ, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 07.04.2022 йилдаги 01-01-07/12-сонли хатига асосан, Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, **Жамиятнинг 1 дона имтиёзли акциясининг бозор баҳосини аниқлаш** учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақил баҳоловчи ташкилотни танлаш.

Жами бошланғич сумма : 30 000 000 сўм

- 1.1. Танлов охириги қиймати - 30 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.2. Бажариладиган иш турлари Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ баҳоловчилик фаолияти стандартларига мувофиқ амалга ошириш.
Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан баҳолаш ташкилоти билан шартнома тузилади.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.
- 1.4. Ишларни бошлаш муддати –маблағ ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.
- 1.5. Баҳолаш хўжалик субъекти: “Жиззах ХЭТК” АЖ.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. **“ЖИЗЗАХ ХЭТК” АЖ** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Жиззах шаҳар, Наврўз маҳалласи, Боғзор кўчаси, 60 уй.
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов **“ЖИЗЗАХ ХЭТК” АЖ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган баҳолаш фаолиятини амалга ошириш лицензиясига ва суғурта полисига эга бўлган, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига ва баҳолаш хизматлари бўйича ёрдам кўрсатиш учун зарурий ходимларга эга бўлган баҳолаш ташкилотлари қатнашишлари мумкин.
- 3.2. Танловда қатнашиш учун даъвогарлар “Жиззах худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятига (“etender.uzex.uz”- электрон сайтида) куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- тегишли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

- давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

- Баҳолаш ташкилотининг фаолияти (фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси полиси, баҳоловчиларининг малака сертификатлари, шунингдек, устав фонди ҳақидаги маълумот, баҳолаш фаолиятидаги мутахассисларнинг малакасини, иш тажрибасини, фаолият муддатларини ва ўтказган амалиёт (операция)лари ҳақидаги маълумотларни ўз

ичига олган резюме, кўрсатиладиган хизматлар нархлари миқдори ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар.

- 3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:
- тегишли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган юридик ташкилотларга.
 - Судлашаётган, банкротлик ёқасида ва реорганизация бўлмаслиги лозим.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида бир кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида бир кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.
- 6.2. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.